



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУз

АСТА NUUz

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/2**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишонов О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Утамурадов А. – ф.ф.н., проф.

Ахмедов Х.А. – с.ф.д.

Мирзаахмедов К.М. – с.ф.ф.д., PhD.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Alijonova G. “Kutubi sitta” doirasida XIX-XX asrlarda amalga oshirilgan zamonaviy g‘arb tadqiqotlari	4
Алманов Қ. XIX аср охири – XX аср бошларида Жиззах шаҳри аҳолисининг ижтимоий ва этник таркиби	7
Орифжонов Г. Ўзбекистон музейларининг экспозицион ривожи	12
Усаров У. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилояти суғориш тизими.....	15
Ҳайитов Ж. Марказий Осиёда манзарали дарахтлар янги навларининг тарқалиши тарихи ва экологик муаммоларни бартараф этишдаги ўрни	18
Эралов А. Сурхондарё вилоятида зиёрат туризмнинг ривожлантириш имкониятлари	21

Фалсафа. Педагогика. Психология. Методика. Социология

Аббосхонова Н. Ўзбекистонда миграция жараёнларини тартибга солишнинг назарий-ҳуқуқий асослари	24
Абдурахманов У. Кураш билан шуғулланувчи талабаларнинг техник ҳаракат усулларининг педагогик таҳлили	28
Асанова Н. Сравнительная характеристика показателей физической подготовленности высококвалифицированных бегуний на 400 метров с барьерами	32
Beknazarova S., Qayumova G., Qahramonova X. Ta’lim kredit-modul tizimining fraktal pedagogika asosida zamonaviy axborot metodik ta’minoti mazmuni tahlili	36
Ботирова Ш. Основы организации сотрудничества между образовательными учреждениями через кластеры в Узбекистане	40
Газиев Ш. Янги Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортнинг такомиллашуви.....	44
Жабборов И. Оилада эр-хотин муносабатларидаги мутаносибликни таъминлашнинг ижтимоий-психологик компонентлари	47
Jaloliddinova M. Intellectual mulk va uning qiymatini baholash xususiyatlari	50
Jurayev M. Til modeli asosida 1h-gramm dasturiy tizimining algoritmi asosida matn ma’lumotlarini boshqarish	53
Зарипов О. Электрон таълим муҳитида интерактив таълим ресурсларини яратиш методикасини бошқариш моделлари	56
Zoyirova D., Heller A. Formation of the discursive competence of law students when teaching writing in a foreign language.....	59
Ibragimova O. Maktabgacha yoshdagi bolalarda ta’limni tashkil etishga psixologik moslashuvining kompleks xususiyatlari.....	62
Исақулова Б. Дидактик ўйинлар мактабгача ёшдаги болаларни чет тилида мулоқот қилишдаги ўрни сифатида	65
Исманова О. Олий таълимда физикадан амалий машғулотларда мураккаб интегралларни сонли усулда ҳисоблаш	68
Исраилова Д. Мактабгача ёшдаги болаларга инглиз тилини ўрганишда эртақнинг ўрни ва аҳамияти	72
Кабиллов Н. Ўзбек миллий кино санъати тараққиётида бадиийлик масалалари	75
Каримова Н. Сузиш машғулоти орқали хотин-қизларни соғломлаштириш ва жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш технологияси	78
Kasimaxunova A., Atajonova S. Research of interdisciplinary relationships of physics and special objects of the specialty “mechatronics and robotics”	81
Kuralov Y. Bo‘lajak informatika o‘qituvchilarini tayyorlashda pedagogik ta’lim innovatsion klasteri usuli.....	85
Kuchkarov U. Muay-tay qadimda va bugungi kunda.....	88
Qambarov A. Issues of studying the content and structure of historical consciousness in modern Uzbekistan	91
Кодиров М., Вохидов Э. Физика фанини ўқитишда таълим сифатига таъсир этувчи омиллар.....	94
Қорасва Ю. Эгоизм тузилишини ўрганишдаги назарий қарашларнинг психологик таҳлили.....	98
Мадрахимова Ф. Олий таълим муассасалари талабаларида медиасавдонлик шакллантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш асослари	101
Маматқосимов Ж. Ўқув спектакллари устида ишлаш орқали бўлажак режиссёрларнинг касбий компетенциясини такомиллаштириш усуллари.....	104
Маматқосимова Н. Бўлажак маданият ходимларининг умуммаданий компетенцияларини ривожлантиришда беш муҳим ташаббус тадқиқот объекти сифатида	108
Mansurov M. Umumta’lim maktab o‘quvchilarini kasbga yo‘naltirish muammo va istiqbollari (Farg‘ona viloyati so‘rovnoma tahlillari asosida).....	112
Мираҳмедов Ф. Соғлом турмуш тарзини болаларда шакллантиришда оила ва атроф муҳитни аҳамияти	116
Мирзаев Қ. Болалар вокал-хор жамоасида овоз хусусиятлари ва имкониятларини такомиллаштириш методикаси	118
Mirzayev M., Shohimardonov J. Ta’limda o‘quv fanlarining integratsiyalashtirilgan mazmuni	121
Мирғўлатов Ҳ. Миллий фестиваллар орқали маданий мерос намуналарининг тарғиботи (“Ипак ва зираворлар” халқаро фестивали мисолида).....	124
Nazarova D. The effectiveness of cause and effect diagrams in teaching the aral sea problems.....	128
Нариманов Қ. Абу Райхон Беруний ва фрэнсис бэкон билимнинг ҳақиқатлиги мезонлари ҳақида	133
Ниёзов С. Табиат туризми тушунчаси ва унинг фалсафий таҳлили	137
Нуритдинов А. Спортчи тайёргарлигида илмий ёндашувнинг асосий йўналишлари	140
Одилов Б. Белбоғли курашчилар билан олиб бориладиган анъанавий машғулотларда усулларни ноқулай томондан қўллаш ва мувозанат сақлаш турғунлигини шакллантириш тажрибаси	143
Пазилов А. The role of virtual learning environment in the formation of linguistic competence	146
Равшанов А. Ўзбекистонда сув ҳўжалиги соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш сиёсати.....	149
Раҳмонова Г. Креатив ва ижодий тафаккур муаммосининг хорижий тадқиқотларда ўрганилиши	153

Рашидова Г. Театр санъати – маънавий-маърифий тарбия ва маданий юксалиш омили сифатида	156
Саидова С. “Фатавойи оламгирия” асарида меросга монелик қиладиган ҳолатлар	160
Саидова С. “Толерантлик” тушунчаси генезисининг айрим жиҳатлари	163
Сейдабуллаева Н. Жамиятда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш масаласи	166
Suleymanova T., Yoqubova N. Kichik maktab yoshida bola shaxsini shakllanishida o'z o'ziga baho berish darajasining ijtimoiy psixologik ahamiyati	169
Umirov A. Boshlang'ich ta'limga zamonaviy axborot texnologiyalarini tatbiq etish tamoyillari	172
Umurqulova D. Zamonaviy tennisda oyoqlar kuchining ahamiyati va uni mashg'ulotlar davomida tiklash zarurligi	175
Файзиев З., Холмўминов Ғ. Ёшларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантиришда толерантлик хисининг моҳияти	178
Фарафонтон О. Метод дерматоглифики в спортивном отборе в практике подготовки спортивного резерва в единоборствах	181
Ҳамидова Д. Номоддий маданий мерос ва уларни сақлаш масалалари	184
Ҳафизова М. Роль игровых интерактивных технологий обучения русскому языку в архитектурных ВУЗах	187
Холиқулов Б. Дастурий-услубий комплексдан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилган методик таълим тизимини амалга ошириш	190
Ҳакбердиев Б. Мухандислик графикаси ва дизайн фанларини ўзаро интеграциялаш асосида талабаларни график ва бадиий-ижодий билим ва кўникмаларини такомиллаштириш	193
Ширинова Ф. Аралаш таълим муҳитида тиббиёт-фармацевтика талабаларининг мустақил фаолиятини ривожлантириш	197
Shonazarov O. Ta'lim muassasalari o'quvchi-talabalarini tibbiy nazoratdan o'tkazish	200
Шопулатов А. Ўзбекистонда спорт захирасини тайёрлаш тизимининг илмий-назарий асосларини такомиллаштириш	202
Юсубов Ж. Бобомуродов Э. Абу Наср Форобий таълимотида тарбия масаласи	205
Yusupov I. Xorijiy mamlakat va O'zbekistonlik yuqori malakali bosqon ulotqruvchilarni yillik tayyorgarlik mashg'ulotlari tahlili	208
Юсупова М. Создание в ташкенте театрального института	211
Юсупова Н. Феномен монтажа в экранном искусстве	215
Ярманова Ю. Жамоа муносабатлари асосида амалга ошувчи ижтимоий-маданий адаптация жараёни	218
Филология	
Алиева Э. Парцеллированные и инпарцеллированные конструкции в современной русской лингвистике	221
Асадов М. “Ёлғизлик” мотивининг илмий-назарий, бадиий-тарихий талқинлари	226
Атабоев А. Ўзбек-инглиз тилида боғловчиларнинг прагматик хусусиятлари ва уларнинг таржимада ифодаланиши муаммолари	230
Ахророва Ф. Таълим тизимида луғатларнинг ўрни	235
Журақобилова Ҳ. Француз ва ўзбек тилларидаги ранг англатувчи фразеологик иборалар тадқиқи	238
Камбаров М. Семантические характеристики пословиц с базовой лексемой «человек» (английский, русский, узбекский, казахский языки)	242
Kozimova Z. Alisher Navoiy asarlarida tomosha san'atiga aloqador tushunchalar tasnifiga doir	246
Қурбонов П. А. Фитратнинг «Шайтоннинг тангрига исёни» ва инглиз шоири Ж.Г. Байроннинг «Каин» драмаларида инсон ва олам муносабатларининг фалсафий-поэтик таҳлили	251
Мамадиярова Ю. Экфрасис феноменининг лингвистик таҳлили	255
Mamatqulova T. Alisher Navoiy asarlarida qo'shiqchilik san'atiga oid terminlarning qo'llanilishi	259
Мустафаева С. Мин даври романларида от туркум сўзларнинг лексик-морфологик параметрлари хусусида	263
Ниязова Г. Жаҳон тилшунослигида детектив асарларнинг лингвистик ўрганилиши	266
Nurimova D. O'zbek antroponimlarining grammatik xususiyatlari (Ayollar ismlari misolida)	269
Рахимова М. Семантическое развитие слова	272
Rahmatova F. Mahdumi A'zamning hayoti va faoliyati	275
Солиева С. Дрон журналистиканинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари	278
Toshboyeva L. The compiling principles of uzbek-english dictionary on tourism	281
Уралов А. Морфемалар тизимида агглютинация ва фузия муносабати	285
Ўрмонова Н. Ономастика ва таржима муаммолари	288
Fayziyeva A. Shaxsiy rivojlanishga oid asarlarning lingvistik xususiyatlari	292
Xudayberganov G'. Jorj Oruellning hayoti va dastlabki ijod davri	296
Xudayberganova M. Joan Ketlin roulining hayoti va dastlabki ijod yillari	299
Шокирова Д. Theoretical views on the concept of “property” in secular linguistics	302
Эшонкулова С. “Мухаммас”да нола чеккан кўнгил торлари	304



Сурайё ЭШОНКУЛОВА,

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини доценти, филология фанлари номзоди

E-mail: Surayyo.Yogdu@gmail.com

Ф.ф.д А.Давлатова тақризи асосида

“МУХАММАС”ДА НОЛА ЧЕККАН КЎНГИЛ ТОРЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада Нодиранинг “Келгил, эй нола, санга оҳ ила имдод қилай” матласи билан бошланувчи таъби худ (мустақил) мухаммаси талкин ва таҳлил қилинган. Хусусан, мухаммасда лирик қаҳрамоннинг ўй-кечинмалари, қалб изтироблари, кўнгил нолалари, соғинч ва ҳижрон тўйғулари очиқ берилган. Шоиранинг мухаммас яратишдаги бадиий маҳорати қирралари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Нодира, девон, мухаммас, анъана, образ, ғоя, фалсафий-тасаввуфий, кўнгил, бадиий маҳорат.

ПОБУЖДЕНИЕ СТРУН СЕРДЦА В МУХАММАСЕ

Аннотация

В данной статье интерпретируется и анализируется независимый (таъби худ) мухаммас Надире, начинающийся с бейта «Келгил, эй нола, санга оҳ ила имдод қилай». В частности, в мухаммасы раскрываются мысли, душевные боли, стоны, тоски и чувства одиночества лирического героя. Показаны аспекты художественного мастерства поэтессы в создании мухаммасы.

Ключевые слова: Надире, диван, мухаммас, традиция, образ, идея, философско-мистическое, душа, художественное мастерство.

PROMPTING THE HEARTSTRINGS IN MUHAMMAMAS

Annotation

This article interprets and analyzes the independent (ta'bi hud) muhammas of Nadira, beginning with a bayt “Kelg'il, ey nola, sanga oh ila imdod qilay”. In particular, thoughts, mental pains, groans, longings and feelings of loneliness of the lyrical hero are revealed in muhammas. Aspects of the artistic skill of the poetess in the creation of muhammas are shown.

Key words: Nadira, divan, muhammas, tradition, image, idea, philosophical and mystical, soul, artistic skill.

Маълумки, Нодиранинг адабий мероси ўз ғоявий-бадиий аҳамияти нуктаи назаридан мумтоз шеърятнинг гўзал намуналаридан ҳисобланади, бунга унинг шеърятда бетақдор иқтидор эгаси бўлганлиги асос бўлган, деб ўйлаймиз. Зеро шоиранинг замондоши Абдунаби Хотифнинг Нодира ҳақидаги: “оқила, фаҳми, илм ва сўзнинг қадрига етадиган донишманд аёл” [5] деган таърифлари юқоридаги фикримизни айнан асослайди.

Дарҳақиқат, ўзбек ва форс-тожик тилларида яратган 10 минг мисрага яқин лирик меросига эга Нодира мумтоз адабиёт анъаналарини кунт ва ихлос билан давом эттириб, мумтоз шеърятнинг мавжуд ҳамма жанрларида қалам тебратган.

Нодира мухаммаслари мақоламизнинг тадқиқот манбаи бўлганлиги сабабли мухаммасларнинг илк намуналари қачон яратилган, қайси шоир ғазалига боғланган ва қайси манбаларда мужассам деган саволларни чеклаб ўтолмаймиз, албатта. Маълумки, ҳар бир ижод соҳибининг дастлабки ижодини аниқлаш анча маъсулиятли иш бўлиб, жиддий илмий текшириш олиб боришни талаб қилади.

Мухаммас – мусаммат [5] жанрининг энг оммавий, етакчи, маҳсулдор, ҳар бир банди беш мисрадан иборат гўзал ва ўқишли шеърини шаклларида ҳисобланади. Мусаммат – ўзбек мумтоз адабиётида ғазалдан кейинги фаол жанрлардан бири. Атама сифатида илк бор Кайковуснинг “Қобуснома” асарида учрайди. Жанрни ўрганишга бўлган қизиқиш ХI асрдан бошланган.

Маълумки, ўзбек адабиётида Ҳофиз Хоразмий ижоди билан бошланган мухаммас яратиш анъанаси Алишер Навоий, Бобур, Машраб, Нодира, Увайсий,

Фурқат, Завкий, Муқимий каби шоирлар шеърятда давом эттирилди [4;60].

Нодиранинг 1962 йилда Наманганда топишган мукамал девони шоиранинг меросини тўлиқ қамраб олган, дейиш мумкин. Девонда шоира ёзган дебоҳа мукамал берилган. Девонда шоиранинг “Нодира” таҳаллуси билан ёзган 180 шеъри жамланган (шулардан 136 таси ўзбек тилида, 44 таси тожик тилида). Жумладан, 11та мухаммас, 2 та мусаддас, 1та мусамман, 1 та таржиъбанд, 1 та таркиббанд ва 1 та фирокнома ҳам бор.

Шоира ижодини кузатганимизда, унинг мумтоз шеърятимиз шарт ва талабларини мукамал ўзлаштирганлиги, ўзига хос изланишлар қилганлиги, янгиликлар яратишга интиланлиги мухаммасларида яққол намоён бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Чунончи, Нодира ўз устози деб билган Навоий, Фузулий, Бедил ғазалларига мухаммаслар боғлаган, уларни фикр-у ғояларини ривожлантирган. Шунингдек, девонда Нодиранинг “Келгил, эй нола, санга оҳ ила имдод қилай” матласи билан бошланувчи таъби худ мухаммаси ҳам ўзининг оригиналиги билан ўқувчи диққатини тортади. Таъби худ мухаммасда барча мисралар бир шоирнинг ўзи томонидан яратилади. Бунда ижодкор ўзга шоир шеърини асос қилиб олмайди, балки ўзи мустақил равишда бешлик яратади. Нодиранинг қуйидаги таъби худ (мустақил) мухаммаси таҳлиliga эътиборимизни қаратамиз:

*Келгил, эй нола, санга оҳ ила имдод қилай,
Офият хирманини бир йўли барбод қилай,
Ман этиб нолани тарки раҳи фарёд қилай,
Тобакай ҳажр-у фироқ офатидин дод қилай,
Энди ўзни неча кун сабр ила мўтод қилай.*

Вафо ва садоқат тимсоли бўлмиш Нодиранинг ушбу мухаммаси ишқий мавзуда битилган бўлиб, унда ҳижрон изтироблари тасвири асосий ўрин тутати. Мухаммасда туркий сўз (“қилай”) радифга олинган. Шоира мухаммасни биринчи мисрасиданоқ нола – қайғуни ифодаловчи баланд товушдаги йиғига мурожаат қилиб, қалбдаги изтиробли оҳига қўмак қилмоқчилигини изҳор этади. Саломатлик, эсон-омонлик, бардамлик, яхши кайфиятини бефойда саҳифа каби шамолга учуришини, нафақат хароб-у вайрон этишини, балки ноласини ман этиб, ниҳоятда тирик жоннинг чидаб бўлмайдиган руҳий азоб, алам таъсирида ўзини тутолмай дод солишини айтади. Энг яқин, сеvimли кишидан жудо бўлган, ундан айрилган ва бу туфайли тортиладиган руҳий азоб, айрилик, жудолик, ҳижронга, бошга кулфат солувчи, уни ҳалокатга олиб келувчи бахтсизликдан дод солиши тоқайгача давом этажигини айтиб, кун сайин азоб-у укубати ошаётганлигидан зорланади. Ва энди ўзни неча кунлардан бери сабр билан айрилик азобини енгиши кераклигини айтади.

Мухаммаснинг биринчи бандиданоқ умр йўлдоши ва ҳамфикр устози Умархоннинг фожиа вафоти Нодира кўнглига, ҳаётига катта зарба бўлгани, унинг шеърятда маҳзунлик кучайганлигини ўқувчи сезиши қийин эмас. Демак, лирик қаҳрамоннинг алам таъсирида ўзини тутолмайдиган даражада дод солишини ҳисобга олсак, ушбу мухаммас Умархоннинг вафотидан сўнг кўп вақт ўтмай ёзилган.

Мухаммас Нодиранинг суюкли ёри Амир Умархонга бағишланган дейиш мумкин, аммо лирик қаҳрамон буни очиқ ойдин ошкор қилмаган. Бунда шоиранинг бадий маҳорати нечоғлик юқори эканлигидан далолат. Яъни шеър анъанавий, ошиқнинг ёр соғинчи ифодаланган ишқий мухаммас тарзда қабул қилинаверади. Шу ўринда адабиётшунос олима Икболай Адизованинг қуйидаги иқтибоси фикримизни исботлайди: “Нодира шеърятини фақат Саййид Умархондан айрилик изҳорлари деб баҳоласак, бирёқлама тушунган бўламиз. Чунки шоира шеърятининг илдизи чуқур. Маъно-моҳияти жуда теран” [1;148-150].

Манга гоҳе хабари моҳи тамомимни десанг,

Ёрга дарду ғами субҳ ила шомимни десанг,

Ул париваиша дуо бирла саломимни десанг,

Ёр қўйида башартеки паёмимни десанг,

Бу қафасдин сени, эй жон қуши, озод қилай.

Мухаммаснинг иккинчи бандида эса шоира “жон қуши”га мурожаат этиб, уни қафасдан озод этишга тайёр эканлигини билдиради. Шарти шуки, ўзининг охи-роқибат интиҳо топган мукамал ойи тўғрисида хабарини етказса, озор, алам, хавонинг димлиги, жазирама каби қалбдаги тонгдан шомгача бўлган ҳасратини ёрига етказса, шунингдек, паридек жуда гўзал хушрўй учун Худога ёлвориб, унга илтижо қилиб, яхши, эзгу тилаклар ва хавфсизлик тилашини етказса. Ёр қўйида хабарини етказса бас, руҳини “жон қуши” каби учуришга розилигини билдиради. Мумтоз адабиётда “жон қуши” – бу кўнгли, қалб, рух. Агар юқоридаги мақсадларига эришса, у ўлимга рози. Ушбу мисралар Шарқ аёлларига хос фидойи вафодорлик, садоқат, иззат-икром намунаси бўлиб тасаввуримизни бойитади, тафаккуримизни кенгайтиради.

Адл-у инсофда Жамшид нажодим сен эдинг,

Фикр-у андиша, ҳаёлим бирла ёдим сен эдинг,

Рост айтмай сабаби рушду рашодим сен эдинг,

Эй дилором, бу оламда муродим сен эдинг,

Айлаб оламни фаромуш, сени ёд қилай.

Биламизки, Жамшид адолат ва одилликда тож кийган афсонавий подшоҳ. Шоира ушбу мисраларда ёрининг қанчаллик одил ва ҳалол эканлигини, Жамшид

каби улўғ, халқнинг нажоткори эканлигини маҳорат билан қаламга олган. Ёри учун оламни унутиб, фақат ёрини тинмай ёд этади. Ростини сўзласа, рушти рашоди, оламдаги мақсади ўша дилором эканлигини таъкидлайди. У айрилиқ, ҳижрон азобларидан кутқарувчи ягона илинж эканлигини мардонавор тан олади.

Яна бир марта ғам шомида моҳимни кўриб,

Ҳажр дардини десам пушти паноҳимни кўриб,

Раҳми келгайму бу аҳволимни табоҳимни кўриб,

Жаврларким менга чарх айлади, шохимни кўриб

Бош яланг айлаб, инонини тутиб дод қилай.

Кун ботаётган киши каби аламда яна бир маротаба ҳасратли ойини кўришни ўтилади. Лирик қаҳрамон ёри томонидан ташлаб кетилганлиги туфайли озор етди деса, унинг химоячиси экан. Ишонгани уни кўрса, маъшуканинг аҳволига раҳм айларми? Аммо фалак, дунё унга жавр айлади. Боши очиклиги туфайли жоловини, тизгинини тутиб дод солишидан унинг бошқа чораси йўқ.

Соқиб, ранжи ҳумор ўртади, келтур манга май,

Тўлдуриб неча қадахни тутта кўр пайдарнай,

Ҳажр дарди била ҳикмат йўлини қилдим тай,

Сабрдур дарди дилим чораси, йўқса тоқай,

Нотавон жонима бедод уза бедод қилай.

Машаққат, ғам-аламдан қарахтлик ила боши оғригани учун шароб қуювчидан май келтиришини сўрайди. Бир неча қадахларни тўлдириб, унга тўхтовсиз тутишини айтади, зора азобини унутса. Кўнглига етган озори билан лирик қаҳрамон кезиб айланиб билдики, бандаси учун охирини англаш қийин бўлган, яширин бир маъно, яширин бир сабаб, ҳикмат, сир бор экан. Фалақнинг зулми, қарҳи, шафқатсизлигидан дўстлар, омони йўқ, асло омони йўқ деган тасаввуфий-фалсафий фикр билдиради. Нодира замондошларига тақдирдан қочиб бўлмаслигини уқтиради. Бандасининг фалак гардиши олдида ожиз эканлигини, ёзуқдагиларнинг барида эса ҳикмат борлигига ишора қилади.

Неча кунларки менга бор эди лутфу караминг,

Сурмаи чашим жажондин эди гарди қадаминг

Фарздур эмди менга тавфи дари муҳтараминг,

Боглаб ихлос ила эҳроми ҳарамни ҳараминг,

Ашқдин роҳилау хуни жигар зод қилай.

Неча кунлар ёри унга илтифот, марҳамат этганлигини, маъшуканинг орзу-умиди, ҳатти-ҳаракати, амали ғуборсиз, жаҳонда нуқсонсиз деб тасвирлайди. Энди ҳамма мусулмонлар бажариши қатъий буюрилган амаллар каби сени ҳурмат ва эҳтиромга сазовор этиш, муқаддас, азиз жойининг ихлос билан асраш лозимлигини уқтириш билан маъшукани маъшукига бўлган садоқатини изҳор этади. Китобат санъатида “зод” ҳарфи инсон кўзига киёс қилинади. Кўзларини жигар қонидек бўлгунча кўз ёшларини тўкиб, уни ёд қилишини тасвирлаган.

То жаҳон мулкани султони эдинг давлат ила,

Бенаволарга қарам айлар эдинг шафқат ила,

Халқ сендин ҳама ҳушнуд эди бу одат ила,

Шод қилгай сени руҳингни Худо раҳмат ила,

Мен ҳам эҳсон ила эл хотирини шод қилай.

Ушбу банд орқали биз лирик қаҳрамоннинг суюкли ёри юқори чўққига кўтарилганлигини бемалол кўришимиз мумкин. Дунё неъматларини эгаси, султони бўла туриб, шавкат ила навосизларга мурувват айлаганини эслайди. Ушбу одати учун халқ доимо ундан ҳамма вақт хурсанд ва миннатдор эканлигини таъкидлайди. Аллоҳ уни руҳини шод қилсин деб дуолар қилади. Ўзи эса уни эл ёд этганлиги учун эҳсон қилишини айтади.

Мустамандеки дуо бирла сени ёд эткай,

Раҳмати бирла Худованди жаҳон шод эткай,

Анбиё руҳи сенинг жонингга имдод эткай,

Охират мулкани то Ҳақ сенга обод эткай

Мулк вайроналарин адл ила обод қилай.

Кейинги бандларда ҳам ёрнинг тасвири анъанавий тарзда давом эттирилган. Мустамадан дуолар ила суюкли ёрини ёд этиши, Аллоҳнинг раҳмати ила жаҳонни шод айлаши, пайғамбар руҳи ёрининг жонига мадад бериши, ҳақиқатни севувчи Аллоҳ охиратда уни мукофотлашига қатъий ишонч-этикод боғлайди. Ўзи эса ёрининг ана шундай гўзал фазилатлари учун адолат ила унинг бошлаган ишини давом эттиришига, халқига ғамхўрлик қилишига ваъда беради.

*Сарви гул пираҳани сен каби пайдо эрмас,
Сен каби сарв ила гул дикашу зебо эрмас,
Бу чаман гуллари манзури томошо эрмас,
Кўзима қадду юзингдек чаманоро эрмас,
Неча андишаи сарву гулу шамшод қилай.*

Тик ўсадиган сарв дарахтининг гули ҳам сенга ўхшай олмас, сенга тенглаша олмас. Сарв дарахти ҳам, гул ҳам сен каби ёқимли эмас, гулбоғчадаги асл гуллар ҳам сенчалик қалбга яқин эмас, қадди-коматинг, истарали юзингни томошоси ҳам чамандаги турфа гуллар томошосидан устун эмас деб ёрининг ташқи кўринишини гўзал ташбеҳлар орқали тасвирлаган.

*Васл базми аро жоми майи саршор қани,
Ол ила мендин айирди фалаки сифла сани,
Порадур гул каби эғнимда жунун пираҳани,
Оташи дарду фироқу шарари ҳажр мани,
Ўртада қайси бирини сенга бунёд қилай.*

Қуйидаги бандда эса ёрнинг васлига эришиш амри маҳол, чунки бешақат фалак кирмиздек хушсурад ёридан уни айирганини, гулнинг гул барглари тўкилиб кетаётгани каби эғнидаги мажнунлик либоси пора-пора бўлганлигини, қалбни эзувчи, ёндирувчи дарддан, айрилиқдан энди у хижронга эга. Ёридан ушбу ҳолатларни қайси бирини, ёри учун сеҳргар каби пайдо қилишини сўрайди.

*Ёрсиз мушкул экан меҳнати ҳижрон чекмак,
Васл умиди била ранжи фаровон чекмак,
Най каби бўлди ишим нола-ю афгон чекмак,
Мен мену кўҳи гаминг кулларида жон чекмак,
Неча Ширинни вафо тоғида Фарҳод қилай.*

Лирик қахрамон ёрсиз мушкул ҳолатда, чидаб бўлмас хижронда қолганлиги, уни висолига эришиш мақсадида фаровонлигидан кечиб ранжи алам чекканлиги, мунгли куй таратувчи най каби афгон-у нолалар этганлиги, маъшуқа нафақат ўзи, балки унинг изтиробларига Кўҳи тоғи ҳам ғамдан жони чиқар даражада. Фарҳод каби вафо тоғида бир неча Ширинларни чин садоқат билан кутишга қодирлигини ҳис қилиш қийин эмас.

*Шам сар то қадам ўртади фано ўргандим,
Қўрибон қатраи шабнамни ҳаё ўргандим,
Гулу булбул сўзидин баргу наво ўргандим,
Остонинг итидин рамзи вафо ўргандим,
Эмди бир неча маҳал хизмати устод қилай.*

Нур, ёруғлик тарқатувчи шам бошдан то охиригача эришидан дунёнинг ўткинчи эканлигини, Тонгдаги япроқлар устида ҳосил бўладиган майда сув томчилари бўлиш шабнамдан ҳаёни, гулга ошиқ бўлган булбулдан наво каби назм ёзишни, остонадаги вафо рамзи бўлган итдан вафони ўрганганлигини мамнунлик ила

таъкидлайди. Энди эса маъшуқа ўрганган илмини ўргата олиш даражасидаги устоз мақомига эришган. Ёрини кадрини, ҳаётни кадрини билган, тушунган сифатида гавдаланади.

*Кошки уйқуда бир кўрсам эди ёримни,
Йиғласам билгай эди ҳоли дили зоримни,
Дард аҳли уйқусин Комила гуфторимни,
Ёзибон кўкда қуёш лавҳини ашъоримни,
Насхи машқи қалами Мони-ю Беҳзод қилай [3;310-*

312].

Суюкли ёрини кошки уйқусида бир зум бўлса ҳам кўрса, холини, қалбдаги изтиробли зорини унга билдира олса эди. Ахир у дард аҳли каби кечаларни уйқусизликда ўтказётганлиги туфайли осмондаги Қуёшнинг пештокида шеърларини ёзиб қўйиш даражасига эришган. Бундай машқларни кўрган Монийлик динини асосчисини, рассомлик чўққисини эгаллаган Моний ҳам, буюк мусаввир наққош Беҳзод ҳам қойил қолган бўларди деб фахрланади.

Нодира бадий санъатлардан унумли фойдаланган. Нодиранинг ушбу мухаммасида талмех, нидо, ташбеҳ, муболага, тазод, таносуб, фахрия каби бир қанча шеърӣ санъат турларини учратамиз. Мухаммасда *Жамиид, жом, анбиё, кўҳи тоғи, Фарҳод ва Ширин, Моний ва Беҳзод* каби образлар орқали талмех санъатидан маҳорат билан қўллаган. Лирик қахрамон тўғридан тўғри *нола, жон қуши, дилором, соқибга* мурожаат қилиб, ғам-андуҳларини ошкор этади ва бу орқали у нидо санъатини юзага келтирган. Шунингдек, мухаммасни таҳлил қилиш жараёнида нур билан зулмат, руҳий асос билан моддий асос, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги ўзаро курашни эътироф этган дин асосчисини Моний ҳамда буюк наққош ва рассом Беҳзод орқали шоира ўзининг ашъорлари улар каби хаттотликда юқори ўринларга чиқишини айтиб ўтиши билан фахрия санъатини юзага келтирган.

Қофияланиши эса ааааа, бббба, вввва тартибга эга бўлган шоиранинг ушбу мухаммаси нафақат мазмун-моҳиятан мукамал, балки шаклий жиҳатдан ҳам тугал. Мухаммасда *имдод, барбод, фарёд, дод, мўтод; тамомимни, шомимни, саломимни, паёмимни; нажодим, ёдим, рашодим, муродим; моҳимни, паноҳимни, табоҳимни, шоҳимни; май, пайдарпай, тай, тоқай; караминг, қадаминг, муҳтараминг, ҳараминг; давлат, шафқат, одат, раҳмат; ёд, шод, обод; пайдо, зебо, томошо, чаманоро; қани, сани, пираҳани, мани; ҳижрон, фаровон, афгон, жон; фано, ҳаё, наво, вафо; ёримни, зоримни, гуфторимни, ашъоримни* каби қуйидаги қофиядош сўзлардан ўринли фойдаланган. Бу эса мухаммасни мусикавийлигини таъминланган.

Хулоса қилиб айтганда, Нодира ўз ижоди орқали замондошлари кўнглига дунё, ҳаётнинг моҳияти борасидаги ўзи англаб етган ҳақиқатларни синдиришга эҳтиёж сезган. Олам ва одамнинг мазмуни, ўзаро муносабати, бир-бирига ғанимат эканлиги хусусидаги фалсафий хулосаларни ошкор этган. Натижада, асарлари теран мазмуни ўзига хос ирфоний мактаб даражасида. Замондошларига ҳаёт неъматларини ғанимат билишга, ундан баҳраманд бўлишга даъват этган.

АДАБИЁТЛАР

1. Адизова Иқболой. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (XVI-XIX аср I ярми). Ўқув қўлланма. –Т.: Фан, 2006. –Б. 240.
2. Нодира-Комила. Девон. –Т.: Халқ мероси, 2001. –Б.354.
3. Халлиева Гулноза. Огаҳий масамматлари. Монография. –Т.: Мумтоз сўз, 2019. –Б. 159.
4. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Nodira>
5. Мусаммат – ҳар банди уч (мусаллас), тўрт (мураббаъ), беш (мухаммас), олти (мусаддас), етти (мусаббаъ), саккиз (мусамман), тўққиз (мустаснеъ ёки таснеъ) ва ўн (муашшар ёки машруъ) байтдан иборат бўлган лирик шеър тури.